

# Ҳалқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2012 йил 12 декабрь, № 241 (5661) Чоршанба


## Мамлакатимизда:

### Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

**Қорақалпоғистон Республикаси**

*Нукус шаҳрида фаолият кўрсатаётган “Orient technology” Ўзбекистон — Кипр қўшма корхонаси иш бошлаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ.*

### Хорижда ҳам харидоргир

Лойиҳа қиймати қарийб 11 миллиард сўмлик мазкур корхонада илғор технологиялар ёрдамида терини қайта ишлаш йўлга қўйилган. Таъкидлаш керакки, бу ерда тайёрланаётган маҳсулотнинг асосий қисми экспортга йўналтирилмоқда. Хусусан, шу йилнинг ўтган даврида 174,2 минг АҚШ долларилик маҳсулот чет эллик ҳамкорларга етказиб берилди.

Эътиборлиси, жорий йилнинг учинчи чораги якунига кўра, Оролбўйи корхоналари томонидан 8,9 миллион АҚШ долларилик экспорт амалиётлари бажарилди.

**Ҳ. АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Наманган**

*Наманган туманининг Боғишамол қишлоғида “Текст пласт” масъулияти чекланган жамияти ташкил этилиши билан вилоятдаги енгил саноат корхоналари сони яна биттага кўпайди.*

### Боғишамол пойабзаллари

Ҳозир бу ерда болалар ва катталар учун оёқ кийимлари ишлаб чиқарилмоқда.

— Ушбу лойиҳа рўёби учун 150 миллион сўмлик сармоя йўналтирдик, — дейди корхона раҳбари Аъзамжон Холматов. — Айни пайтда 25 турда маҳсулот тайёрлаб, истеъмолчиларга таклиф этаяпмиз. Қувватлар тўла ўзлаштирилиши билан йилига 10 минг жуфтгача пойабзал тайёрлашга эришамиз. Эътиборли жиҳати, бизда турдош корхоналардан фарқли равишда ишчилар учун мўлжалланган махсус пойабзаллар ҳам ишлаб чиқарилмоқда. Ўн беш кишилик жамоамиз дастлабки 50 миллион сўмликдан зиёд маҳсулотни ички бозорга етказиб берди.

Таъкидлаш лозимки, вилоятда жорий йилнинг тўққиз ойи давомида 15,3 мингта кичик бизнес субъекти ташкил этилди. Пировардида мазкур соҳанинг вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотидаги улуши 74,8 фоизга етди.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Тошкент вилояти**

*“Тошкент — Ўш” автомагистралининг Оҳангарон туманидан ўтувчи қисмида йўловчилар учун яна бир қулайлик яратилди.*

### Йўловчилар учун яна бир қулайлик

Мазкур йўл бўйида “Довон” номли савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриб битказилди. Мажмуада 30 ўринга мўлжалланган савдо-сотиқ расталари, тамаддихона, суратхона, компьютер хизматлари маркази, алоқа ва тўловларни қабул қилиш шохобчаси ҳамда санитария узеллари мижозларга хизмат кўрсата бошлади. Шунингдек, бу ерда кўп тармоқли автосервис шохобчаси ҳам иш бошлаш арафасида.

Умуман, миллий автомагистралнинг вилоят ҳудудидан ўтувчи қисмида йил якунигача 24 та ана шундай йирик ва замонавий хизмат кўрсатиш иншоотларини бунёд этиш кўзда тутилган.

**Ғ. ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Фарғона**

*“Фарғонаазот” очиқ акциядорлик жамияти маҳсулотларини қадоқлашда фойдаланиладиган полиэтилен қоплар шу пайтга қадар мамлакатимизнинг турли корхоналаридан келтирилар эди.*

### Корхонанинг қўшимча тармоғи

Бу эса маҳсулот таннархи ошишига ҳамда ортиқча оворагарчиликларга сабаб бўлаётганди. Эндиликда бу ерда полиэтилен қоп ишлаб чиқариш цехи ташкил этилди. Янги тармоқ иш бошлаши билан яна 250 кишининг бандлиги таъминланди.

Таъкидлаш керакки, корхона жамоаси ички бозорда карбамид ва селитра маҳсулотларига бўлган эҳтиёжни қондирибгина қолмай, жорий йилнинг 9 ойида 75,1 миллион АҚШ долларилик экспорт амалиётларини бажаришга ҳам эришди.

**Н. СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Қашқадарё**

*“Шўртаннефтгаз” унитар шўъба корхонасида навбатдаги истиқболли лойиҳа амалга оширилди.*

### Экспорт ҳажми ортади

Натижада бу ерда йилига қўшимча 50 минг тонна суюлтирилган газ ишлаб чиқариш имконияти юзага келди. Таъкидлаш лозимки, мазкур қурилма мамлакатимиздаги “Ўзбекхиммаш” заводи ҳамда хорижий давлатларнинг етакчи компаниялари билан яқин ҳамкорликда бунёд этилди.

Янги технологияларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилиши “Шўртаннефтгаз” унитар шўъба корхонасида Жануби-Ғарбий Ҳисор минтақасидаги конлардан қазиб олинаётган табиий ёнилғи хом ашёсини қайта ишлаш билан бирга, экспорт қилинаётган маҳсулотлар ҳажмини кўпайтиришга ёрдам беради.

**А. МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Ле Ман Луан: «Конституция кенг қамровли муваффақиятларнинг гарови бўлиб хизмат қилмоқда»

*Вьетнамнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ле Ман Луан “Жаҳон” ахборот агентлиги мухбири уюштирган суҳбат чоғида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллиги муносабати билан ўз фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашди.*

**Дунё нигоҳи**

Вьетнамлик дипломат мамлакатимиз Асосий Қонуни Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва суд-ҳуқуқ тизимининг ҳуқуқий пойдевори сифатида юртимиз ҳаётида муҳим ўрин тутишини таъкидлади.

— Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда тинчлик-осойишталик, миллатлараро ва эътиқодлараро ҳамжиҳатликнинг сақланиб келинаётгани таҳсинга сазовордир, — деди у. — Мамлакат ҳудудида истиқомат қилаётган барча миллат ва элатлар тили, урф-одат ва анъаналарига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлиши, уларнинг муносиб ҳаёт тарзи учун шарт-шароитлар яратиб бериш тамойилининг Конституцияда ўз ифодасини топгани, шунингдек, ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани нафақат бу борадаги, балки кенг қамровли барча муваффақиятларнинг гарови бўлиб хизмат қилмоқда.

Элчи Ўзбекистонда аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, инсон ҳуқуқларини кафолатлаш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирларни ҳам юқори баҳолади.

Юртимизда фуқаролик жамияти тараққиёти масалалари ҳақида фикр юритар экан, Ле Ман Луан жамоат ташкилотларининг ҳуқуқи ва қонуний манфаатлари муҳофаза қилиниши улар учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беришини қайд этди. “Шу боис фуқаролик жамияти институтларининг фаолияти мамлакатингизда демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда унинг қонуний манфаатларини ҳимоялашда муҳим аҳамият касб этади”, деди у.

Вьетнам элчиси Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади. Унинг сўзларига қараганда, моҳиятан жамиятда ислоҳотларни амалга оширишнинг чуқур ўйланган стратегияси ҳисобланадиган ушбу Концепция туфайли Ўзбекистонда Конституция меъёрлари муваффақиятли тарзда такомиллаштирилмоқда. Буларнинг барчаси сўнгги йилларда қабул қилинган қонунлар, жамият ҳаётидаги ижобий ўзгаришлар, давлат муассасалари фаолиятининг мукаммаллашиши ҳамда фуқароларнинг давлат ва жамият ҳаётида фаол иштирок этишида намоён бўлаётир.

— Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқига Конституция меъёрлари асосида мамлакат мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, Ўзбекистон Республикаси фаровонлигини таъминлаш ва унинг халқаро майдондаги нуфузини юксалтириш йўлида янгидан-янги муваффақиятлар тилайман, — дея ўз фикрини якунлади Ле Ман Луан.

**«Жаҳон» АА.**

**Эътироф**

*Ўзбекистон 2013 йилда бизнес учун дунёдаги энг истиқболли 20 давлат қаторига қўшилган Марказий Осиёдаги ягона давлат бўлди. Бу хабарни хорижий оммавий ахборот воситалари Буюк Британиянинг таваккалчиликларни таҳлил қилиш билан шуғулланадиган Maplecroft консалтинг компанияси хулосасига асосланган ҳолда эълон қилди.*

## ЎЗБЕКИСТОН ЖАҲОНДАГИ ИНВЕСТИЦИЯ КИРИТИШ ЖИҲАТИДАН ЖОЗИБАДОР 20 ДАВЛАТ ҚАТОРИДАН ЖОЙ ОЛДИ

Буюк Британиянинг Maplecroft консалтинг компанияси шу йил 5 декабрда узоқ муддатли инвестициялар жалб қилиш учун дунёдаги қулай мамлакатларнинг навбатдаги рейтинги ҳақидаги маърузани нашр этди. Ўзбекистон ушбу рейтингда дастлабки йигирмата давлат қаторига киритилган. Рўйхатда Хитой, Ҳиндистон, Бразилия, Жанубий Корея ва Малайзия етакчилик қилмоқда.

Maplecroft компанияси томонидан ҳисоблаб чиқиладиган «Ривожланиб бораётган бозорлар индекси» бизнес юритиш учун истиқболли бўлган 175 давлатни ўз ичига олган. Индексда ўтган йиллардаги иқтисодий кўрсаткичлар, мамлакатнинг инвестиция сарфлаш учун жозибадорлиги, энг сўнгги таркибий ислоҳотлар ва демографик аҳвол, шу жумладан, ўрта синф сони бўйича прогнозлар эътиборга олинган.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш борасида эришилган ютуқлар Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки каби нуфузли халқаро молия ташкилотлари томонидан юқори баҳоланмоқда. Мамлакатимиз иқтисодий сиёсатининг муваффақиятлари юртимиздаги сиёсий барқарорлик ва ислоҳотларнинг изчил амалга оширилишига асослангани етакчи халқаро экспертлар томонидан бир неча бор таъкидланди.

(Давоми 2-бетда).

## Янги лойиҳалар самараси

**мамлакатимизда мебелсозликнинг жадал суръатларда ривожланаётганида ҳам яққол намоён бўлмоқда**

**Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган**

*Иқтисодий тараққиётга эришишда саноатнинг улуши беқиёс. Ишлаб чиқаришнинг жадал ривожланиши билан аҳоли турмуш фаровонлиги ҳам юксалиб бораверади. Шу маънода, мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ саноат корхоналарини модернизация қилишга астойдил киришилди. Минглаб катта-кичик илғор лойиҳалар амалиётга татбиқ этилди.*

*Биргина мебель ишлаб чиқариш борасидаги муваффақиятларимизни олайлик. Кейинги йилларда маҳаллий тадбиркорларимиз саъй-ҳаракати туфайли хорижнинг энг етакчи корхоналари маҳсулотлари билан рақобатлаша оладиган бежирим мебель жиҳозлари тайёрлаш ўзлаштирилди.*

(Давоми 2-бетда).



**Дил сўзи**

*Қай бир йилни олиб қараманг, унинг номланишида ёшларнинг, ёш оилаларнинг манфаатлари ҳисобга олинганини кўрамиз. Бунга якунланаётган йил мисолида ҳам амин бўлиш мумкин.*

### Юксак ишонч масъулияти

Ўтган ўн бир ой давомида “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастури доирасида вилоятимизда ёш оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш, уларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг ўз бизнесларини йўлга қўйишларига кўмаклашиш мақсадида тижорат банклари томонидан 15 миллиард 700 миллион сўмлик кредит маблағлари ажратилди. Шунингдек, кенгашимиз ҳам ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келаяпти. “Ёш тадбиркор — юртга мададкор”, “Камолот” стипендианти”, “Ёшлар фестивали” сингари ўнлаб лойиҳаларимиз орқали ўғил-қизларнинг иқтидорини юзага чиқаришга, уларнинг яқин кўмакчиси бўлишга интилаяпмиз. Жойларда тўққизта ёшлар ижтимоий хизматлар маркази ташкил этилган. Уларда ўғил-қизлар касб-ҳунар ўрганишаяпти. Умуман, биз йил давомида ёшларни эл-юртга муҳаббат руҳида тарбиялашга, улар истеъдодини юзага чиқаришга, ҳуқуқий саводхонлигини оширишга, спорт билан ошно этишга хизмат қиладиган мингдан зиёд акция ўтказаяпмиз. Мазкур тадбирларнинг барчаси замирида бахтли яшаш мақсади мужассам.

(Давоми 2-бетда).

## Кичик бизнес: Изчил тараққиёт ва фаровонлигимиз манбаи

*“Мустаҳкам оила йили” Давлат дастури доирасида барча вилоятларда бўлгани каби Сурхондарёда ҳам кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, туманларда жорий йилнинг 9 ойида тадбиркорлар томонидан барча қулайликларга эга 538 та савдо, маиший ва умумий овқатланиш шохобчаси ташкил этилди.*

**2012 йил — Мустаҳкам оила йили**

Қишлоқ жойлардаги маҳаллаларда фаолият юритаётган ва маиший хизмат кўрсатиш билан шуғулланаётган 275 нафар тадбиркорга эса 3 йил муддатга солиқ имтиёзлари қўлланилди. Натижада кичик бизнеснинг вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотидаги улуши 77,7 фоизга етди.

Албатта, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка эътибор қаратилаётгани оилавий бизнеснинг ривожига ҳам мустаҳкам пойдевор яратмоқда. Бу, ўз навбатида, кўплаб янги иш ўринларини ташкил этиш ҳамда аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилаётир. Вилоят бўйича ўтган 9 ойда касаначилик, ҳунармандчилик ва уй меҳнатини йўлга қўйиш ҳисобига 9116 кишининг бандлиги таъминланганлиги бунинг исботидир.

Маълумки, сурхондарёликлар қадимдан чорвачилик, деҳқончилик ҳамда ҳунармандчилик билан шуғулланиб келади. Айниқса, мустақиллик шарофати туфайли воҳаликларнинг унутилаёзган қадриятлари қайта тиклангани айни муддао бўлди. Бугун қўлида ҳунари бор ҳар бир тадбиркорнинг эркин фаолият юритишида эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 29 июлдаги “Оилавий тадбиркорликни ҳамда ҳунармандчилик фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори муҳим омил бўлаяпти.

— Дастлаб туман марказида “Мафтуна” гўзаллик салонини очиб, фаолиятимизни бошлаганимизда, бор-йўғи, уч киши ишлардик, — дейди узунлик тадбиркор Шодмонжон Норқулова. — Ҳозирги кунда корхонамизда 15 нафар ҳунарманд хотин-қиз меҳнат қилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

## АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

***Осиё тараққиёт банкининг маълумотларига кўра, мамлакатимиз аҳолисининг даромадлари кейинги уч йилда 3 баробар кўпайган.***

Бундай натижага эришишда Конституциямизда мустаҳкамлаб қўйилган тамойил ва нормалар, шунингдек, биз танлаган ҳамда бугун дунёда эътироф этилган, “ўзбек модели” деб ном олган тараққиёт модели муҳим омил бўлди.

# ЎЗБЕКИСТОН ЖАҲОНДАГИ ИНВЕСТИЦИЯ КИРИТИШ ЖИҲАТИДАН ЖОЗИБАДОР 20 ДАВЛАТ ҚАТОРИДАН ЖОЙ ОЛДИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мамлакатимиз жаҳон иқтисодиётида ҳамон давом этаётган инқирознинг салбий оқибатларига нафақат ишончли тарзда бардош бермоқда, балки макроиқтисодий мувозанатни, юқори иқтисодий ва ижтимоий ўсиш суръатларини сақлашга эришмоқда.

Айниқса, инвестиция соҳасида рўй бераётган таркибий ўзгаришлар эътиборга молик. Истиқлол йилларида мамлакатда самарали қонунчилик базаси, хорижий сармоядорлар учун кенг кўламли ҳуқуқий кафолатлар ва имтиёзлар мажмуи яратилди, хориж капитали иштирокидаги корхоналар фаолиятини рағбатлантириш бўйича яхлит чора-тадбирлар тизими ишлаб чиқилди.

Ўзбекистоннинг хорижлик шериклар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлиги мамлакатда чет эллик сармоядорларнинг муваффақиятли ишлаши учун барча шарт-шароит яратилганининг ёрқин далолатидир. Буларнинг барчаси Ўзбекистонга инвестиция муҳити энг жозибадор етакчи давлатлар қаторидан муносиб жой эгаллаш имконини берди. Буни Maplecroft компанияси экспертлари яна бир бор тасдиқлади.

**(ЎзА).**

# Юксак ишонч масъулияти

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бу ҳақда алоҳида тўхталишимнинг боиси бор, албатта. Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида таъкидлаганидек, инсон бу дунёга бахтли яшаш учун келади. Бу нурли орзуга етишнинг омилларидан бири эса ҳеч шубҳасиз, ўз уйи, маҳалласи, юртини обод қилиб яшаш саналади. Зеро, халқимиз топиб айтган: юрти ободнинг кўнгли ободдир.

Обод ва фаровон турмуш, деганда кўз ўнгимда, энг аввало, тинч ва осойишта ҳаётимиз, меҳр-оқибатли одамларимиз, кўрса ҳавас қилгулик мактаб, коллеж, лицей ҳамда олий ўқув юртларида таълим-тарбия олаётган ёшларимиз гавдаланади. Ҳозир вилоятимизда ёши ўттизгача бўлган тўрт юз минг нафардан зиёд йигит-қиз истиқомат қилади. Эртамиз эгаси саналган бу ёшлар билан ишлашдан роҳатланасан, киши. Уларнинг орзу-интилишлари, ниятлари ҳаётимизни янада фаровон этишдек олижаноб мақсад билан уйғунлашиб кетган. Шу боисдан ҳам Юртбошимиз томонидан 2013 йилнинг “Обод турмуш йили” деб эълон қилиниши ёшларимизни бениҳоя хурсанд қилди. Негаки, жорий йилда оилалар пойдеворини мустаҳкамлаш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, маҳаллаларни обод этиш борасида бой тажриба тўпланди. Бу тажриба келгуси йилда жуда асқотади. Шундан келиб чиқиб, кенгашимиз Обод турмуш йилида қатор лойиҳаларни амалга оширишни режалаштирмоқда. Юртимизни янада обод, турмушимизни фаровон этишдек эзгу мақсад йўлида ёшларнинг энг яқин кўмакчиси, мададкори бўламиз.

**Адолат АКРАМОВА,**
**«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Бухоро вилояти кенгаши раиси ўринбосари, «Шуҳрат» медали соҳиби.**

## Анжуман

*Кеча Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Давлат статистика қўмитаси томонидан ташкил этилган анжуман давлат статистика ҳисоботларини тубдан соддалаштириш асосида статистик маълумотларни йиғиш тизимини такомиллаштириш масаласига бағишланди.*

# Статистика ҳисоботлари соддалаштирилмоқда

Таъкидландики, кейинги йилларда иқтисодиётимизнинг барча тармоқлари қаторида статистика соҳаси ҳам ислоҳ қилиниб, ахборот-коммуникация ютуқлари кенг татбиқ этилаяпти. Айниқса, Президентимизнинг 2012 йил 16 июлдаги “Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ амалга оширилаётган ўзгаришлар тизимни сифат жиҳатидан юқори босқичга кўтариш имконини яратмоқда.

Дарҳақиқат, мазкур ҳужжатда статистика ҳисоботларини соддалаштириш, уларнинг шаклларини қисқартириш ва тақдим этишнинг такомиллаштирилган механизмини жорий қилиш юзасидан кўплаб вазифалар белгиланган. Уларнинг ижроси бўйича қўмита томонидан олиб борилаётган муайян ишлар ҳақида йиғилганларга атрофлича маълумот берилди.

Жумладан, Фармонга асосан, 65 та давлат статистика ҳисоботи шакллари қисқартирилиб, 23 тасининг тақдим этиш даврийлиги узайтирилди. Бу каби янгиликлар кичик бизнес субъектлари учун кўплаб қулайликларни вужудга келтираяпти, албатта. Айтайлик, илгари микрофирмалар бир йилда 4 марта ҳисобот топширган бўлса, эндиликда бир мартага туширилди. Фермер хўжаликлари эса 5 марта ўрнига 3 марта ҳисобот тақдим этади, холос.

Айни пайтда статистика ҳисоботларини топширишнинг электрон тизимига ўтиш бўйича ҳам изчил чора-тадбирлар кўрилаётгани эътиборга молик. Унга кўра, 2014 йилда барча ҳисоботлар интерактив усулда электрон тарзда тақдим этилиши мўлжалланмоқда.

Тадбирда Президентимизнинг 2012 йил 18 июлдаги “Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони асосида ҳаётга татбиқ этилаётган янгиликлар ҳақида ҳам маълумотлар берилди.

**С. РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

«Ўзбекистон — Ўмон Султонлиги:

# Ҳамфикрлик, ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик»

*Мамлакатимиз ва Ўмон Султонлиги ўртасида дипломатия алоқалари ўрнатилганининг 20 йиллиги ҳамда Ўмон Султонлиги миллий байрамининг 42 йиллиги муносабати билан ўзбек ва араб тилларида чоп этилган китоб ана шундай номланган.*

## Биз ва жаҳон

Ўмон Султони Қобус бин Саид Аълоҳазратларининг қисқача таржимаи ҳоли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2009 йил 4-5 октябрь кунлари ушбу мамлакатга буюрган давлат ташрифига доир муфассал маълумотлар мазкур китобнинг илк саҳифаларидан ўрин олган.

Мамлакатимиз мустақил ривожланишининг тарихидан маълумки, Ўмон Султонлиги Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини биринчилардан бўлиб, яъни 1991 йилнинг декабрида расман тан олган. 1992 йилнинг апрелида эса икки давлат ўртасида ўзаро дипломатия муносабатлари ўрнатилган.

Шундан буён Ўзбекистон ва Ўмон муносабатлари дўстлик ва ҳамкорлик тамойиллари асосида изчил ривожланиб келмоқда. Икки давлат ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасида мунтазам маслаҳатлашувлар йўлга қўйилган. Мамлакатларимиз терроризм, экстремизм, қурол-яроғ ва наркотик моддалар контрабандаси каби таҳдидларнинг олдини олиш билан боғлиқ масалаларда ҳамфикрдир. Ўмон Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш борасидаги саъй-ҳаракатларни юксак қадрлайди.

Китобда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг 2009 йил октябрида ушбу мамлакатга буюрган давлат ташрифи икки давлат муносабатлари ривожида муҳим аҳамият касб этгани алоҳида таъкидланади.

Кези келганда қайд этиш жоизки, айнан ушбу ташриф чоғида томонлар Тошкентда ва Масқатда ўз элчихоналарини очишга келишиб олган эдилар. Бундан ташқари, мазкур ташриф доирасида мамлакатларимиз ўртасида ҳамкорлик ва муносабатларнинг асослари, савдо-иқтисодий ҳамкорлик, ҳаво транспорти қатнови тўғрисидаги ҳукуматлараро битимлар, шунингдек, нефть-газ, кимё, қурилиш, олий таълим, сайёҳлик, сармоя каби соҳаларга оид ўндан ортиқ ҳужжат имзоланган эди.

Ушбу китобда Ўзбекистон раҳбарининг Ўмонга буюрган давлат ташрифи маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари томонидан муфассал ёритилиши, шунингдек, Ўзбекистон — Ўмон муносабатлари тараққиёти мавзуларига доир бўлимлардан ташқари Ўмон Султонлигининг тарихи ва бугунги куни, мамлакат иқтисодиётининг турли жабҳалари, ўрта ва олий таълим, тиббий ва ижтимоий хизмат, атроф-муҳит муҳофазаси ва сайёҳлик сингари соҳаларда эришилган муваффақиятларга оид атрофлича маълумотлар ҳам ранг-баранг суратлар билан бирга ўзбек ва араб тилларида ўқувчилар эътиборига ҳавола қилинган.

“Ўзбекистон — Ўмон Султонлиги: ҳамфикрлик, ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик” китоби таниқли арабшунос Бахтиёр Иброҳимов муаллифлигида “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмасида нашр этилган. У араб тили ўқитиладиган олий ўқув юртларининг жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар йўналиши бўйича таҳсил олаётган талабалари учун қўлланма сифатида тақдим қилинган.

**Шуҳрат УМИРОВ,**
**«Жаҳон» АА.**

# Салоҳиятли кадрлар – келажак таянчи

*Пойтахтимизда журналистика соҳасида ихтисослашув масалаларига бағишланган илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.*

## Семинар

Ўзбекистон Миллий университети томонидан Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон нодавлат электрон оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Республика Маънавият тарғибот маркази билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тадбирда ушбу олий ўқув юрти профессор ва ўқитувчилари, талабалари, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда ахборот соҳасини ислоҳ қилиш ва сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган кенг кўламли ҳуқуқий-ташкилий ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Пировардида республикамизда ОАВнинг фуқаролар онги, дунёқараши ва сиёсий маданиятини шакллантиришдаги ўрни ва таъсири тобора ортиб бормоқда.

Йиғилишда 2005 йилда ташкил этилган ЎзМУнинг Олий журналистика курслари нафақат юртимизда, балки Марказий Осиё ва МДҲ мамлакатларида ўз йўналиши бўйича ягона ҳисобланиши ҳам қайд этилди. Ўтган қисқа давр ичида мазкур даргоҳда тўрт юздан зиёд тингловчилар журналистика соҳасининг турли замонавий ихтисосликлари бўйича чуқур билим олиб, магистрлик даражасига эга бўлдилар.

Тадбирда, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ва олий таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари муҳокама этилди. Шу куни Миллий университет журналистика факультетининг интернетдаги янги веб-саҳифаси тақдимоти ўтказилди. Айни чоғда профессионал кадрларни тайёрлашда Олий журналистика курслари(ОЖК)нинг аҳамияти, мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари тараққиёти тенденциялари, журналистика тили ва услуби, журналистика иккинчи мутахассислик сифатида: хорижий давлатлар тажрибаси, журналистлар малакасини оширишда халқаро ҳамкорлик, журналистик фаолиятда таҳлил масаласи, веб-сайтларнинг ҳафталик нашрларга таъсири, медиабизнес каби йўналишларда маърузалар тингланди.

Семинарда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

**С. МАХСУМОВ.**



# Янги лойиҳалар самараси

**мамлакатимизда мебелсозликнинг жадал суръатларда ривожланаётганида ҳам яққол намоён бўлмоқда**

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).



Энг муҳими, юқори сифат, замонавий дизайн ва мақбул нарх-наво юртдошларимизга манзур бўлаётир.

Самарқанд туманидаги “Гулобод мебель” масъулияти чекланган жамияти ҳам ана шундай илғор ишлаб чиқариш субъектларидан бири. Корхона ташкил этилгандан буён ўтган етти йил давомида бу ерда ишловчилар сони 10 нафардан 80 нафарга, йиллик маҳсулотлар ҳажми эса 50 миллион сўмдан қарийб 3 миллиард сўмга етди. Бунда 2009 йили жамиятда олиб борилган қурилиш-реконструкция ҳамда модернизация ишлари қўл келди. Шу мақсадлар учун “Асака” банки томонидан дастлаб 500 миллион сўм, 2011 йили 110 миллион сўм кредит ажратилди. Ҳозир бу ерда Германия ва Хитойдан келтирилган илғор ускуналар ёрдамида чинор, ёнғоқ, терак каби маҳаллий хом ашёдан 200 хилдан зиёд мебель жиҳозлари тайёрланаяпти.

— Маҳсулотларимизга юртимизнинг турли ҳудудларидан буюртмалар келиб тушмоқда, — дейди корхона раҳбари Фарҳод Раҳматов. — Шуни ҳисобга олиб, келгуси йили уларнинг турини кўпайтириш мақсадида янги технологиялар сотиб олмоқчимиз. Қолаверса, ушбу лойиҳа рўёбга чиқиши билан касб-ҳунар коллежларини битирган 20 нафар йигит-қизни ишга қабул қиламиз. Беш нафар касаначи эса шартнома асосида фаолият кўрсата бошлайди.

“Гулобод мебель” жамоаси жорий йилни юқори натижалар билан якунламоқда. Улар томонидан шу йилнинг ўтган даврида 2 миллиард 600 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилгани ва бу 2011 йилдагига нисбатан қарийб бир миллиард сўм кўп эканлиги фикримизнинг яққол тасдиғидир.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Шомурот ШАРАПОВ олган суратлар.**

## Интилиш

*Жалолқудуқ туманидаги “Spz-bearingz” масъулияти чекланган жамиятида бозор талабларидан келиб чиқиб, техник ва технологик янгиланишлар амалга оширилди.*

# Талабга муносиб таклиф

Хусусан, хорижий ҳамкорлар билан биргаликда халқаро стандартларга жавоб берадиган подшипниклар ишлаб чиқарувчи замонавий технологик линия ишга туширилди. Натижада маҳсулот ҳажми икки баробарга ортиши билан бирга, сифат кўрсаткичлари тубдан яхшиланди. Ҳозир бу ерда 600 турдан ортиқ импорт ўрнини босувчи подшипниклар тайёрланмоқда.

Жамоа жорий йилнинг ўтган даврида бир миллион донадан зиёд ана шундай маҳсулот ишлаб чиқаришга муваффақ бўлди. Марказий Осиёда ўз салоҳияти ва нуфузига эга мазкур корхона маҳсулотларининг асосий қисмини экспортга чиқариш юзасидан шартномалар тузилаётир.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Қисқа сатрларда

Вокеалар, янгиликлар, хабарлар

● НУКУСда теннис бўйича болалар ва ўсмирлар спорт мактаби қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бунёдкорлик ишларига Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг бир миллиард 200 миллион сўмлик маблағи сарфланди. Спорт иншоотининг очилиши муносабати билан бу ерда теннис бўйича қорақалпоғистонлик ёшлар ўртасида турнир ҳам ташкил этилди.

**● ОЛТИНСОЙ туманининг Жобу қишлоғидаги “Жумаев Абдурауф” фермер хўжалиги томонидан цитрус мевалар ва сархил сабзавотлар етиштиришга ихтисослаштирилган иссиқхона ташкил этилди. 130 миллион сўм эвазига рўёбга чиқарилган мазкур лойиҳа шарофати билан қишлоқ ёшларидан 10 нафари иш билан таъминланди.**

● СИРДАРЁ туманида фаолият бошлаган “Мега Люкс” қўшма корхонаси дастлабки маҳсулотларини харидорларга етказиб бера бошлади. Айни пайтда бир миллион 230 минг АҚШ долларилик замонавий дастгоҳларни моҳирлик билан бошқараётган 120 нафар мутахассис томонидан кимё саноати ва қишлоқ хўжалиги соҳалари учун полипропилен қоплар тайёрланаяпти. Келгусида маҳсулотларни экспорт қилиш ҳам режалаштирилган.

**● ХАТИРЧИ туманидаги “Бобоқиёт” фермер хўжалиги қошида минитехнологиялар асосида сутни қайта ишлаш йўлга қўйилди. Жамоанинг 80 миллион сўмлик маблағи эвазига бунёд этилган мазкур корхона учун хом ашё хўжаликнинг ўзида етиштирилмоқда.**

**«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

Кичик бизнес:

# Изчил тараққиёт ва фаровонлигимиз манбаи

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Дўппидўзликни андижонлик келин — Зулфия Юнусалиева йўлга қўйди. Унинг қўлида сайқал топган “Андижон”, “Чуст”, ”Ироқи” дўппилари, чорси ва белбоғларнинг харидоргирлигини кўриб, қувониб кетаман. Тўғрида, бир вақтлар бу дўппиларни туманимиз бозорларида водийдан келтириб сотишарди. Бугун эса ҳунармандчиликка берилаётган эътибор туфайли мазкур маҳсулотлар ўзимизнинг корхонамизда ишлаб чиқарилмоқда. Дўппидўзларнинг аксарияти уйларида ишлашади. Қизим Мафтуна ҳам дўппидўзликни ҳамда келинлар либоси тикишни тўлиқ ўзлаштириб олди.

Оилавий бизнес билан машғул оилалар Узун туманида кўпчиликни ташкил этади. Жумладан, Меҳнат маҳалласида яшовчи Бўрихол Ашурова икки келинини ёнига олиб, гиламлар тўқимоқда. Банкдан олинган бир миллион сўмлик кредит маблағи ҳисобига дастгоҳлар ясатди. Бўрихол опа ва унинг келинлари тўқиётган гиламнинг ҳар бири бозорда бир миллион сўмдан сотилмоқда.

— Янги рўзғор маҳалламизда яшовчи аҳолининг деярли ҳаммаси ишбилармон, тадбиркор, ҳунарманд, — дейди шу маҳаллалик Шерзод Раҳматов. — Бири томорқасидаги иссиқхонага эртанги помидор, бодринг экса, иккинчиси лимон етиштирмоқда. Ҳунарманд аёллар рўзғор ишларига ҳам, кашта, сўзана ҳамда кийим-кечак тикишга ҳам вақт топишаётир. Ерни ардоқлаётганлар эса ҳар йили 5-6 сотих майдондаги иссиқхонадан 5-6 миллион сўмдан ошириб даромад қилишаяпти. Қишлоғимизда ишсиз одам, бекорчининг ўзи йўқ.

Суҳбатдошимиз уста Шерзоднинг оиласидагилар мебелсоз тадбиркорлардан. Улар ясаётган ошхона мебеллари ва уй жиҳозлари замонавий бўлганлиги боис харидоргир. Қўшни туманлардан ҳам буюртмалар келишмоқда. Йил давомида 50-60 жамланма хонадон ва ошхона мебеллари ясаб, уйларга файз бағишлаётган Шерзоднинг шогирдларидан кўпчилиги коллеж битирувчиларидир. Улар ҳам Шерзод, укалари Элбек ва Азизбекдан мебелсозликни кунт билан ўзлаштиришмоқда.

Янги куч маҳалласида яшовчи Мамлакат Мўминова ҳам оилавий бизнес орқасидан тўйлар қилиб, элнинг дуосини олмоқда. Миллий ҳунармандчиликни ардоқлаб келаётган Мамлакат опа “Хуршидабону” хусусий ишлаб чиқариш корхонаси қошида касаначиликни йўлга қўйди. 10 нафар хотин-қиз бу корхонадан буюртма олиб, миллий либослар, чопон, белбоғ, болалар кийим-кечаклари тикишади.

— Дастлаб оила аъзоларим билан либослар тикардик, — дейди Мамлакат опа. — Қисқа фурсатда фаолиятимизни кенгайтирдик. 8 миллион сўм кредит олиб, 5 та замонавий тикув машинасини харид қилдик. Оилавий тадбиркорлик билан бошлаган фаолиятимиз натижасида нон маҳсулотлари, пахта титиш цехларини ишга туширдик. Ҳозир ойига 5 тонна нон маҳсулотлари тайёрлаб, савдо шохобчаларига етказиб бераяпмиз. Оилавий бизнеснинг уй бекалари учун қулай томони жуда кўп. Асосийси, аёлнинг рўзғоридан кўнгли тинч бўларкан.

Таъкидлаш керакки, Президентимизнинг 2008 йил 1 апрелдаги “Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони узунлик ҳунармандларга ҳам катта имконият ва имтиёзлар берди. Ушбу ҳужжатга кўра, уй шароитида ҳунармандчилик билан шуғулланаётган ва амалий санъат буюмлари яратаётган шахслар 2014 йилга қадар даромад солиғидан озод этилган. Бу эътибор ва эъзоз кўплаб ҳунармандларни ота-боболари касби ва ҳунарини давом эттиришга ундамоқда.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз равнақига хизмат қиладиган оилавий бизнес бозор талабларига тез мослашадиган энг қулай фаолият турларидан бири эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

**Нормурод ТЕМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2012 йил 11 декабрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)*

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 2070,32 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 3166,65 |
| 1 Дания кронаси | 341,90 |
| 1 БАА дирҳами | 538,11 |
| 1 АҚШ доллари | 1976,44 |
| 1 Миср фунти | 322,47 |
| 1 Исландия кронаси | 15,60 |
| 1 Канада доллари | 2001,46 |
| 1 Хитой юани | 317,28 |
| 1 Россия рубли | 63,82 |
| 1 Украина гривнаси | 247,27 |
| 1 Малайзия ринггити | 646,74 |
| 1 Польша злотийси | 618,28 |
| 1 СДР | 3027,33 |
| 1 Туркия лираси | 1105,45 |
| 1 Швейцария франки | 2111,81 |
| 1 евро | 2580,34 |
| 10 Жанубий Корея вони | 18,31 |
| 10 Япония иенаси | 239,66 |

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

## ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ ҲУЗУРИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИДАГИ ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ БЎЙИЧА ЛОЙИҲА ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ФОНДИ КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ЛОЙИҲА ҒОЯЛАРИНИ АНИҚЛАШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги «2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги ва 2011 йил 7 февралдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури тўғрисида»ги қарорлари ижросини таъминлаш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг инвестиция лойиҳаларида иштирокини рағбатлантириш йўли орқали улар учун янада қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида Ўзбекистон Банклари ассоциацияси ҳузурида Инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштириш фонди ташкил этилди.

***Фонд томонидан лойиҳа ғоялари ва уларнинг лойиҳа ҳужжатларини молиялаштириш танлов асосида амалга оширилади ҳамда республика тижорат банклари томонидан инвестиция лойиҳаларининг молиялаштирилишини ташкил этишга кўмаклашади.***

Танлов қуйидаги йўналишларда бўлиб ўтади: янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, фаолият кўрсатаётган саноат корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда янгилаш.

Танловда қатнашиш учун инвестиция жиҳатидан жозибадорликка ва саноат соҳасида татбиқ этиш истиқболига эга, шунингдек, маҳаллий хом ашё ва материаллардан фойдаланган ҳолда, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш имконини берувчи ва бошқа ғоялар қабул қилинади.

Танловда ўз лойиҳа ғояларини ҳамда улар бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва молиялаштириш учун юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим:**

Ариза (намуна бўйича).
Инвестиция таклифи (намуна бўйича).
Инвестиция таклифи паспорти (намуна бўйича).

***Батафсил маълумот учун тел.: (+99871) 238-69-07, (+99871) 238-69-08. Web-site: www.ffpd.uz. E-mail: pdf.fund@gmail.com***
***Манзил: 100027, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Асатулла Хўжаев кўчаси, 1-уй, Ўзбекистон Банклари ассоциацияси биноси, 15-қават. Мўлжал: «Истиқлол» санъат саройи, «Бунёдкор» метро бекати.***

*1-илова*

**Лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишни молиялаштириш юзасидан танловда иштирок этиш учун**
**БУЮРТМАНОМА**

1. ______________________________
(ташаббускор ташкилотнинг тўлиқ номи ва манзили)
2. ______________________________
(тақдим этилаётган ғоявий лойиҳанинг тўлиқ номи)
3. ______________________________
(Ф.И.Ш., алоқа телефонлари, факс, почта манзили, электрон почта)

4. Буюртманомага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:
— инвестиция таклифи;
— инвестиция таклифининг паспорти.

Тақдим этилган маълумотларнинг ишончлилигига кафолат бераман.

Ташкилот раҳбари

______________________________
(имзо, муҳр) (Ф.И.Ш.)

*2-илова*

**Инвестиция таклифининг**
**НАМУНАВИЙ ШАКЛИ**

**1.** Лойиҳанинг номи.
**2.** Лойиҳа ташаббускори тўғрисидаги умумий маълумотлар:
— номи ва реквизитлари;
— асосий фаолият тури;
— асосий иқтисодий (ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг (кўрсатилган хизматларнинг), экспортнинг ва бошқаларнинг қиймати ҳамда ҳажми) ва молиявий кўрсаткичлари.
**3.** Негизида лойиҳани амалга оширилиши режалаштирилаётган корхона (мавжуд бўлганда) тўғрисидаги маълумотлар:
— корхонанинг номи ва реквизитлари;
— асосий фаолият тури, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ва кўрсатиладиган хизматлар турлари;
— охирги 3 йилдаги асосий иқтисодий ва молиявий кўрсаткичлари (асосий воситаларнинг қиймати, ишлаб чиқарилган ва экспорт қилинган маҳсулотлар ҳажми, товар айланмаси, соф фойда ва бошқалар);
— умумий ҳудуди ва бўш ишлаб чиқариш майдонлари;
— мавжуд муҳандислик таъминоти воситалари ва инфратузилмаси тўғрисидаги маълумотлар;
— кадрлар потенциали.
**4.** Лойиҳа тўғрисида маълумотлар:
*4.1.* Маркетинг:
— ишлаб чиқариш учун тавсия этилаётган маҳсулот, товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишнинг прогноздаги ҳажми;
— дастлабки маркетинг тадқиқотларининг натижалари, ички бозорда сотиш ва экспорт қилиш имкониятининг баҳоси;
— мамлакатда ва минтақада шу каби маҳсулотларнинг асосий ишлаб чиқарувчилари (мавжуд бўлганда);
— маҳсулотнинг сифат ва нарх кўрсаткичлари бўйича рақобатбардошлигининг баҳоси.
*4.2.* Ишлаб чиқариш:
— лойиҳанинг хом ашё ва бошқа материал ресурслар билан таъминланганлиги, уларнинг нархи, микдори ва сифати бўйича баҳоси;
— зарур бўладиган ходимлар сони.
*4.3.* Қуриш, қайта тиклаш, модернизациялаш:
— инвестицияларни йўналтириш — янги қурилиш, қайта тиклаш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ёки бошқа йўналишлар.
*4.4.* Молиялаштириш:
— лойиҳанинг тахминий қиймати, шу жумладан, қуриш ёки реконструкция қилиш қиймати;
— объектни фойдаланишга топширишнинг тахминий муддати;
